

# Qishloq hayoti

2018 йил Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган

2018-йил 1-январ, дushанба 1 (8864)-сон

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!  
Жонажон Ватаннимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўтабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қўтлуғ айём билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Минг шукри, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.

Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадрли юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустақам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил бай-



рами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиш. Азиз юртдошлар!

Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.

Биз буюк келажакимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва гоялар асосида барпо эта-

миш.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва са-

марали йўлдир.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустақамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиш.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргалиқда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзумидлар билан Янги – 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шунки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта бахт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

## САМИМИЙ ҚЎТЛОВЛАР

Янги – 2018 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хоржий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, компаниялар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қўтловлар келмоқда.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти – Владимир Путин

Хитой Халқ Республикаси Раиси – Си Цзиньпин

Қозоғистон Республикаси Президенти – Нурсултон Назарбоев

Қирғизистон Республикаси Президенти – Сооронбай Жээнбеков

Тожикистон Республикаси Президенти – Имомали Раҳмон

Туркменистон Президенти – Гурбангули Бердимухамедов

Озарбайжон Республикаси Президенти – Илҳом Алиев

Беларусь Республикаси Президенти – Александр Лукашенко

Корея Республикаси Президенти – Мун Чжэ Ин

Япония Бош вазири – Синдзо Абэ

Буюк Британия Бош вазири – Тереза Мэй

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – Франк-Вальтер Штайнмайер

Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери – Ангела Меркель

Испания Бош вазири – Мариано Рахой

Италия Республикаси Президенти – Серджио Маттарелла

Словакия Республикаси Президенти – Андрей Киска

Словения Республикаси Президенти – Борут Пахор

Польша Республикаси Президенти – Анджеј Дуда

Норвегия Қироли – Харальд V

Европа Кенгаши Раиси – Дональд Туск

Афғонистон Исломи Республикаси Президенти – Муҳаммад Ашраф Ғани

Эрон Исломи Республикаси Президенти – Ҳасан Рухоний

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – Халифа бин Зоид Ол Наҳаён

Мўғулистон Президенти – Халтмаагийн Баттулга

Исроил Давлати Бош вазири – Биньямин Нетаньяху

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси – Дмитрий Медведев

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси

Федерация Кенгаши Раиси – Валентина Матвиенко

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири – Ли Кэцян

Бутунхитой халқ вакиллари кенгашининг Доимий кўмитаси раиси – Чжан Дэцзян

Янги Зеландия Генерал губернатори – Пэтси Редди

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими – Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум

Бирлашган Араб Амирликлари Бош кўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди – Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби – Рашид Алимов

НАТО Бош котиби – Йенс Столтенберг

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси

Ижроия кўмитаси директори – Евгений Сисоев

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)

Бош директори – Жозе Грациану да Силва

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари – Наталья Герман

МДХ Парламентлараро ассамблеяси кенгаши

Бош котиби вазифасини вақтинча бажарувчи – Сергей Антуфьев

Авиация бўйича давлатлараро кенгаш президенти,

Давлатлараро авиация кўмитаси раиси – Татьяна Анодина

“Мир” давлатлараро телерадиокомпанияси раиси – Радик Батиршин

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти – Шиничи Китаока

Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти – Альберт Лиханов

Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси бош котиби – Владимир Шербаков

Тошкент ва Ўзбекистон метрополити,

Ўрта Осиё метрополит округи раҳбари – Викентий

БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси,

БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили – Хелена Фрейзер

Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори – Виктор Матвеев

Россия нефть-газ саноатчилари уюшмаси кенгашининг раиси – Юрий Шафраник

“ЛУКОЙЛ” нефть-газ компанияси президенти – Вагит Алекперов

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори – Виктор Гришин

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги

делегацияси раҳбари – Эдуард Стипрайс

Siemens концерни Президенти ва бош директори – Жо Кэзер

Қўтловлар келиши давом этмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жаҳон оммавий ахборот воситалари нигоҳида бўлиб турибди. Мазкур ислохотлар натижалари ва келгусидаги устувор йўналишлар баён этилган Олий Мажлисга Мурожаатнома ҳам бутун дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

“The New York Times” нашри (АҚШ):

Ўзбекистон ўз эшиklarини очмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни ислох этишни бошлаган.

Жаҳон банки Ўзбекистонни бизнес юритиш шароитларини сезиларли даражада энгиллаштирган унта давлат қаторига киритди. Корхоналарни руйхатдан ўтказиш, кури-

лишга рухсат олиш, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш, солиққа тортиш ва электр таъминоти тизимига улаш соҳаларида тизимли ишлар амалга оширилди.

Жаҳон банкининг бизнес юритиш шароитларининг қулайлиги баҳо берадиган Doing Business рейтингинида Ўзбекистон 190 мамлакат ичида 74-уринни эгаллаб, Хитой ва Украина ортада қолдирди. (Давоми 2-саҳифада)

### Жиззах вилояти

## БУ ЙИЛГИ АРЧАНГ ҲАМ ЎЗГАЧА ЧИРОЙЛИ, БОЛАЖОН!

Жиззах вилояти шаҳару қишлоқларида ҳам Янги йил байрами ўзгача кўтаринкилик билан қарши олинаётди. Байрамнинг ўтган йиллардагидан фарқи “Висол” тантаналар мажмуасида ўтказилган “Президент арчаси” тантаналарида яққол кўзга ташланди.

Мажмуада 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ота-онаси, боқувчисини йўқотган, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ички йшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари бўлган 330 нафарга яқин болалар учун байрам дастурхони ёзилди.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Эргаш Солиев болаларни Янги йил байрами билан табриклаб, уларга Президент совгаларини топширди. Ҳокимнинг бу йил юртимизда унутилмас воқеалар, катта ишлар амалга оширилгани, келаятган йил янада яхши, айниқса, болалар учун қувончли бўлиши ҳақидаги сўзларини кичкинтойлар шодон оқшашди.

Янги йил байрамини Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам орзиқиб кутади. Тарбияланувчилар кўнглидаги “Бу йил байрам қандай бўларкан, совғада нималар бор экан”, деган саволларига бугунги тантананда биринчи жавоб – Президент совғаси бўлди. Совға эса ҳар йилгидан ўзгача, айнан қувонтиридан экан. Ҳар бир совғада 12 номдаги ўқув куроллари, 15 хил ширинликлар бор эди.

– Янги йил мен учун энг яхши байрам, – дейди Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дмитрий Клочков. – Байрам то-



Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎЗА) олган сурат.

мошалари, Янги йил арчаси атрофидаги уйинлар, бунинг устига қишки таътилимиз ҳам бу йил олдингилардан кўпроқ давом этади. Бугунги байрам менга жуда ёқди. Айниқса, Президентимиз совғасини оларканман худди отамдан олгандек ҳис қилдим ўзимни. Ҳамма дўстларим номидан у кишига раҳмат дейман.

Байрамда вилоят бадий жамоалари, кўгирчоқ театри актёрлари, “Нарғиз” болалар ансамбли махсус

тайёрланган концерт дастурини намойиш этиб, томошалар курсатди. Болалар арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари билан бирга рақс тушди.

Вилоятда “Президент арчаси” тантаналарини ўтказиш бўйича мутасадди идоралар ва ҳомий ташкилотлар масъуллари, бадий жамоалардан тузилган махсус гуруҳ Қорбобо ва Қорқиз ҳамроҳлигида совғалар билан мактаб-интернатлар, болалар

шифохоналаридаги Янги йил байрамларида иштирок этиб, Президент номидан совғалар бермоқда.

Барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳомий ташкилотлар, маҳалла, хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўзгалар қарамоғида бўлган, кам таъминланган оилалар болаларига совғалар топширмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА муҳбири.

Сирдарё вилояти

Гулистон туманининг Юлдуз маҳалласида 2 сотихли, хар бири уч хонадан иборат 15 та замонавий уй-жойлар кам таъминланган, имконияти чекланган ва эҳтиёжманд оилаларга топширилди.

Янги йилни янги уйда нишонладик

Хусусан, меҳмонхона, ётоқхона, ошхона, ҳатто, тандирхона ҳам мавжуд. Шунингдек, табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Аваллари фарзандларим билан уй-жойсиз дала шийпонда яшаб келаятгандик, — дейди Гулистон тумани ИБрат маҳалласида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони И.Нишонова.

2017 йилда вилоятнинг 21 та қишлоқ массивларида 904 та арзон уй-жойлар қуриш-

дек катта вазифаларни белгилаб олгандик, — дейди Сирдарё вилояти ҳокимлигининг Санoaтчи ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари котибияти мудири А.Ҳошимов.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



Навоий вилояти

Хизмат уйи ва автомашина калитлари топширилди

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 апрелдаги «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Мазкур қарор асосида шароитларини яхшилаш, профилактика инспекторларининг хизмат ва яшаш уларни ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда уй-жой билан

таъминлаш борасида кенг қўлланма тадбирлар амалга оширилмоқда.

Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда оқсоқиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ишончли

ҳимоялаш учун тантанали қасамдە қабул қилиш маросими ўтказилди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, ёшлар, профилактика инспекторларининг оила аъзолари иштирок этди.

Ўтказилган тадбирда 120 нафар профилактика инспекторларининг шундай имконият ва имтиёзга эга бўлгани уларнинг оиласи, яқинларига юксак қувонч улашиб, Янги йилга муносиб тўхфа бўлди.

Мамлакатимизда аҳолининг тинч ва оқсоқиллига ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ва устувор масалага айланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида, профилактика соҳасида амалга оширилган кенг қўлланма ишлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги иш услублари жорий этилиши ва соҳада яхлит ҳуқуқий тизим яратилиши ислохотларнинг янада самарали бўлишини таъминламоқда.

Оттабек АСЛОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат. Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Бу Конституциямизда белгиланган «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» деган қонуннинг ҳаётий ифодасидир.

Икки тилда сўзлашувчи бир халқмиз

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида «Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиқдек сақлаш ҳамда мустақамлашни ўзининг устувор вазифам, деб ҳисоблайман», дея таъкидлаган эди.

Самарқанд вилоятида истиқомат қилаётган тожик миллатига мансуб аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз миллий аънава ва қадриятларини асраб-авайлаши ва ривожлантириши учун кенг имкониятлар яратилган.

Айни пайтда вилоятдаги 37 умумтаълим мактабида ўқувчиларга ўзбек тили билан бирга тожик тилида сабақ берилмоқда. 20 дан ортиқ мактабда таълим тожик тилида олиб борилади.

Вилоят ҳокимлиги муассислигида тожик тилида «Овози Самарқанд» газетаси чоп этилади. Яна бир қатор туманлар газеталарида тожик тилида ҳам материаллар берилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмиса ва Ўзбекистон Бадий академияси вилоят бўлиmlари билан ҳамкорликда тожик тилида ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларнинг китоблари, ранг-тасвир асарлари тақдироти ни ўтказиш аънавага айлانган.

Ўзбек ва тожик халқлари тили бошқа бўлса-да, байрамлари, аънава ва урф-одатлари, маросимлари дەرғри бир хил. Шу боис барча байрамлар, муҳим саналарни биргаликда нишонлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларни Янги йил байрами билан табриқлайман. Илоҳим, аҳиллигимизга, ишонч ва самимийликка асосланган дўстлигимизга кўз тегмасин. Юртимиз тинч, осмоними мусаффо бўлсин!

Абдуваҳоб ВОХИДОВ, Самарқанд вилояти тожик миллий маданий маркази раиси. ЎЗА

Сурхондарё вилояти

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг раиси Қахрамон Қуронбоев раҳбарлигида вилоятлик депутат йиғилиши ўтказилди.

Ёшлар камолоти ва мамлакат раванглиги йўлида

Ийгилишда Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгаш раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосарлари қатнашди.

Мамлакатимизда ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва ташаббусларини рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар ривожда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлаётди.

Видеоселекторда қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ёшлар иттифоқининг ҳудудий ва маҳаллий кенгаши расмлари ҳисобот берди. Фаолият танқидий таҳлил қилинди. Жорий йилда амалга оширилган ишлар юзасидан вазифалар кўриб чиқилиб, Ёшлар иттифоқининг кейинги йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Шунингдек, 2018 йил жойларда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича устувор вазифалар ҳамда истиқболдаги режалар белгилан олди.

Г.БОБОЕВА, ЎЗА мухбири.

Сурхондарё вилояти

Халқ кутубхонаси китобхонлар ихтиёрида

Олтинсой тумани ҳокимлиги ҳамда Маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан тумандаги Оқарбулоқ маҳалласи марказида Халқ кутубхонаси ташкил этилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда иштирок этган китобни севиш, инсон камолотида китобнинг ўрни борасида «ўз фикрларини» билдириб ўтди.

Тадбир доирасида «Халқимга бир китоб» акцияси ташкил этилиб, иштирокчилар томонидан кутубхона фондини бой-

тиш мақсадида 200 га яқин ўзбек миллий қадриятлари, маданияти ва адабиётини ўзида акс эттирган бадиий ва илмий-оммабоп китоблар жамланмаси соғва қилинди.

Шунингдек, вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ва вилоят Маънавият ва маърифат бўлими томонидан яқинда нашр этилган «Сур-

хондарё: буюк ўтмишдан ёрқин келажак сари» китоб-альбомини ҳамда нодир асарлар тўплами мазкур кутубхона фондига тақдим этилди.

Умуман олганда, ҳудудларда бу каби кутубхоналарнинг ташкил этилиши, аҳоли иштирокидаги турли тадбирлар китобга бўлган қизиқишни янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дилфуза ЖўРАЕВА, «Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги «Яшил бозор»да Янги йил байрами савдо ярмаркаси ташкил қилинди. Савдо павильонларида сархил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева, сабзавот, полиз ҳамда чорвачилик маҳсулотлари савдоси қизгин кечмоқда.

САВДО ЯРМАРКАСИ

– Савдо ярмаркасининг ташкил этилганини айни мuddао бўлди, — дейди Қарши шаҳрида яшовчи Г.Тулаева.

– Янги йил дастурхонига ўзимиз учун керакли бўлган «ноз-неъматларни» ҳамёнбоп нархларда харид қилдик.

– 30 турга яқин маҳсулотларимиз билан савдо қиляпмиз, уларнинг асосий қисми гўшт ва бошқа турда-

ги маҳсулотлардир, — дейди тадбиркор Ф.Нортуҳтаев.

Айни пайтда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ҳамда чекка ҳудудларида ҳам байрам савдо ярмаркалари саймалари фаолият кўрсатаётди. Янги йил акцияси 2018 йилнинг 10 январигача давом этади.

Хусан ТЕМИРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар жаҳон оммавий ахборот воситалари нигоҳида

таҳаммаланиши Марказий Осиёнинг қўриқини ўзгариши ва минтақани халқроқ майдондаги таъсирини ошириши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқроқ анжуманида Марказий Осиё давлатлари орасида олий даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш бўйича берган тақлифи мамлакатнинг бундай ҳамкорликда етакчи роль ўйнашга интилаётганини кўрсатади ва жиддий дипломатик ўзгаришларга олиб келади.

Қўшни давлатлар билан ҳамкорликнинг мустақамлашни хавфсизлик ва чегара муаммоларини ечиш ҳамда минтақада транспорт инфраструктурасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон хорижий сармояларни жалб қилишга ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдам берадиган муҳит яратиш, иқтисодийни модернизация қилиш, валюта тизимини эркинлаштиришга интилоқда.

«Новости» ахборот агентлиги (Россия) Президентининг биринчи йилида Шавкат Мирзиёев давлатни янги босқичда ривожлантиришга қаратилган 100 дан ортиқ фармон ва қарорни имзолади, шунингдек, ҳукуматда ва жойлардаги ҳокимият органларида жиддий ўзгаришлар қилди.

Ишбилармонлик соҳасида ҳам салмоқли ўзгаришлар рўй бермоқда: корхоналарни режадан ташқари тегишли бекор қилинди, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди, ишбилармонлик муҳитида аниқланган хатолар, нотўғри ҳисоблашлар, таъзиқ ўтказишлари ҳамда сансалорликлар учун Президент Шавкат Мирзиёев ҳукумат аъзоларидан ҳисобот талаб қилади. 2005 йилда Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлардан қоникмагани учун ўз фаолиятини тўхтатган Европа тикланиш ва тараққиёт банки ноябрь ойида қайтадан фао-

лият юрота бошлади. Сентябрь ойида Ўзбекистон миллий валютаси – сўмининг эркин конвертацияси очилигани Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигининг биринчи йилидаги энг асосий ютуқлардан бўлди.

Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида терроризмга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини қайд этди.

Президент мамлакатда мазкур вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган янги ислом марказларини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан. Ўзбекистон, шунингдек, «Human Rights Watch» ҳуқуқчи хизми қилиш ташкилоти билан мулоқоти қайтадан йўлга қўйди, кўп йиллар мобайнида биринчи марта БМТнинг эътиқод эркинлиги ҳақидаги масалалар бўйича махсус мазърузачиси Аҳмад Шохид мамлакатга таширф буюрди.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, минтақаларга таширфи чоғида ўз ҳаётини экстремистик фаолият билан болганларнинг яқин қариндошларини ижтимоий ҳаётдан четлатиш амалиётини давом эттирмаслик зарурлигини таъкидлади. ОАВ маълумотларига қура, «Кора рўйхат»даги 16 миң киши алпакачон нормал ҳаётга қайтган. Президент экстремистик диний оқимларда қатнашган ва тўғри йўлга қайтишни истамаганларни Ўзбекистон фуқаролигидан маҳрум қилишга таъйирлигини қатъий таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев 2017 йилни Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди ҳамда оддий одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш учун Виртуал қабулхона очди ва бу орқали миллиондан ортиқ мурожаатларда қайта фаолият кўрсата билади. Жанубий Кореяга сафар давомида Ўзбекистон Президентини мамлакатнинг биринчи шахси ими-

жиг бўлган аънавановий ёндашувларни ҳам ўзгаришларда. Бир неча йил олдин интернет тармоқларидан суратини қидириб топиш мушкул бўлган янги Президент «Facebook» ҳамда «Telegram» ижтимоий тармоқларида ўз саҳифасини очган.

«Независимая газета» нашри (Россия): Ўзбекистонга Шавкат Мирзиёев раҳбарлик қила бошлаганига бир йил тўлди. Шуҳасас, бир йил – муайян хулосалар чиқариш учун қисқа мuddат, аммо бу намён бўлишига улгурган тенденцияларни сезиш, уларнинг ижобий ва салбий таъсирини баҳолаш учун етарлидир.

Тошкентнинг ташқи сиёсатида содир бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, яқоқ сезилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшиллар билан муносабатларини йўлга қўйишга интилаётганини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Шуниси диққатга سازоворки, Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий фаоллиги қўшни Туркменистон ва Қозғистондан бошланган.

Айни пайтда расмий Тошкент ўтган йил давомида Москва ва Пекин билан иқтисодий мулоқотни фаоллаштирди. Шавкат Мирзиёевнинг апрель ойида Россияга сафарини натижасида қарийб 16 миллиард долларлик шартномалар имзоланди. Ўзбекистон раҳбарининг шу йил май ойида «Бир макон – бир йул» саммити доирасида Пекингга илк сафарини давомида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида қиймати 20 миллиард доллардан катта бўлган битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги диққатга سازовор ўзгаришлардан яна бири Тошкентнинг ГАРб давлатлари билан муносабатларига тааллуқлидир. Бу борада ҳозирги пайтда ошқора илиқлик кузатилмоқда. Жумладан, ноябрь ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўп йиллик танлафусдан сўнг Ўзбекистонда қайта фаолият кўрсата бошлади. Жанубий Кореяга сафар давомида Ўзбекистон Президентини мамлакатнинг биринчи шахси хизмат

лотига аъзо бўлиш бўйича ишлар қайта бошлангани эълон қилди. Сеул, ўз навбатида, Тошкентга бу борада маслаҳат ёрдамини кўрсатишга ваъда берди. Ўзбекистоннинг ГАРб билан алоқалари жонланиши Мюнхенда ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Германия бизнес-форуми, шунингдек, Ўзбекистон парламенти делегациясининг Вашингтонга таширфи туртки берди. Ушбу қадамлар келажакда Тошкент ҳам ташқи сиёсат, ҳам ички сиёсат соҳаларида халқроқ сиёсий ва иқтисодий амалиётларга кўпроқ мос бўлишга интилишдан далолат бераётган бўлса, ажаб эмас.

«Спутник» нашри (Россия): Мамлакатни ислох қилишнинг асосий бугини давлат органлари фаолиятини янги андозалар бўйича қайта кўриб чиқишда бўлишига қайта кўриб чиқиш хизмати тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Булажақ янгиланишларнинг асосий мазмуни – иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсири камайтириш ва бозор иқтисодиёти механизмида кенг фойдаланиш.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун Президент Қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижодкорлигини тақомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, турли дастурлар иқросини таъминлашда қонунлар қабул қилиш амалиётини қайта кўриб чиқиш ташаббусини илгари сурди, фуқароларнинг жамоавий электрон мурожаатларини қабул қилиш учун «Менинг фикрим» деган махсус электрон портал очилди кизиқарли гоани тақлиф эди.

қилмасдан, реал натижа бериши кераклигини таъкидлаган ҳолда, давлат раҳбари 2018 йилни Ўзбекистонда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб аташни тақлиф қилди. Янги фикрлар, гоғлар, инновацияларнинг сиз келгусида ҳеч нарасига эриша олмаймиз, бунга ҳар бир ҳоким тушуниши керак, деди Ўзбекистон Президенти.

Таъкидландики, мамлакатда қўри малакали журналист кадрларга эҳтиёж катта, аммо ҳозирча ушбу масалаларни марказлаштирилган тарзда ҳал қила оладиган тегишли таянч олий ўқув юрти мавжуд эмас. Шу сабабли давлат раҳбари Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Мамлакат раҳбарининг Ўзбекистон ёшлари халқроқ ассоциациясини ташкил қилиш бўйича ташаббуси алоҳида эътиборга молик.

«Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани уйлайман. Мана, бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, гоғона юрда ҳеч қимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одами ҳам қийнади. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқроқ ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак», деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари айтганидек, қонун ижодкорлиги соҳасида парламент ёки халқ депутатлари кенгаши фуқаролар гуруҳлари томонидан ишлари сурилганда ташаббусларини кўриб чиқиши зарур. Шу муносабат билан интернет тармоғида «Менинг фикрим» деб номланган махсус веб-саҳифа ташкил этилади, унга мамлакат фуқаролари давлат ва жамоат ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикр ва ташаббусларини электрон шаклда йўлайди.

ЎЗА

Андижон вилояти

ДАЛАЛАР ТИНИМ ДАВРИДА

Аммо мўл ҳосилни кўзлаган деҳқон тиним билмайди

Деҳқон тақвими бўйича қиш чилласи кечмоқда. Бу вақтда дов-дарахтлар, «тўқсонбости» экинлар, бугдой майсалари тиним даврини ўтаётган бўлади. Аммо деҳқон қишда ҳам тинмаса, мўл ҳосилга мустақкам замин қўяди.



Олтинқул туманидаги «Ҳосил меҳнат кўрки» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Сатторов бошлиқ жамоа айни вақтда барча сув йўллари янада раво қилишга киришган. Ҳайдовдан сўнг бироз тиним олган далада ер текислаш ишлари бошлаб юборилди. Ортидан эса фермер ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда пушта олди. Хўжалик механизатори Муроджон Назаров пушта олишини сир-синоатларини обдон ўзлаштирганлиги боис 37 гектар майдонда баҳор ташвишини енгиллаштиридан тadbирни бажариб бўлди. Қисқа ўқариқлар олиниб, чуқур олинган пушталар сувга бостириляпти.

Олтинқул туманидаги «Ҳосил меҳнат кўрки» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Сатторов бошлиқ жамоа айни вақтда барча сув йўллари янада раво қилишга киришган. Ҳайдовдан сўнг бироз тиним олган далада ер текислаш ишлари бошлаб юборилди. Ортидан эса фермер ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда пушта олди. Хўжалик механизатори Муроджон Назаров пушта олишини сир-синоатларини обдон ўзлаштирганлиги боис 37 гектар майдонда баҳор ташвишини енгиллаштиридан тadbирни бажариб бўлди. Қисқа ўқариқлар олиниб, чуқур олинган пушталар сувга бостириляпти.

— Яқоб бериладиган майдонимиз 23 гектар, — дейди фермер. — Баҳоргача ушбу тadbир уч бор ўтказилади. Келгуси кўзда эса пушта олинган майдонга яқоб суви берилади. Биз экин майдонларига пушта орқали ва яқоб бериш билан сув бериш эвазига текис қўчат олиш учун мустақкам асос яратишга одатланганмиз.

2017 йилда «Ҳосил меҳнат кўрки» фермер хўжалигида 60 гектар майдонда гўза парвариш қилинди. Галвир сувдан кўтарилганида ҳосилдорлик 42,2 центнерданга тўғри

келди. Айниқса, ҳосил сифатининг яхшилиги боис юқори даромад олинди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари байрами кuni фермер вилоят ҳокимлигининг фахрий ёриғи ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Тажрибадан ўтган агротехник тadbирларни ўз вақтида бажаришга одатланган фермернинг ишида ҳар доим натижа бўлади. Айтайлик, Улунор туманидаги «Дилшод» фермер хўжалиги далаларида тулроқдан кўра кум кўпроқ. Қўлингизга бир ҳовуч тулроқ олсангиз, бир зумда бармоқларингиз орасидан тўкилиб кетади. Ана шундай шароитда хўжаликда галла ва пахта ҳосилдорлиги ибратли бир тарзда юқори даражада бўлади. Айниқса, пахта ҳосилдорлиги ҳар доим 35 центнерданга тўғри келиши эътиборга лойиқдир. «Дилшод»га қўшни «Ураимовлар оиласи» фермер хўжалигида ҳам кўзланганидан зиёда ҳосил тайёрлаш тизими мавжуд.

Фермерлар Абдулҳафиз Ҳожиқулов ва Абдурахим Ураимовлар кузги-қишки ишларни ўз вақтида бажаришади. Чунончи, галладан бўшаган далага шoли экилади. Бу билан экинни парвариш қилиш давомида ер ости сувлари сези-

ларли даражада пастлайди. Шoли ангизи ва илдизи табиий равишда текислашга, пушта олишга ҳамда шўр ювишга астойдил киришганлигига гувоҳ бўлдик. «Галаба» массиви раҳбари Азамат Набижонов билан бир қатор фермерларнинг далаларида бажарилаётган кузги-қишки агротехник тadbирларнинг боришини кўриб, «Қиш фасли» — иш фасли» деганлар ҳақ экан-

лигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Сўз бораётган массивда яқоб бермай ёки шўр ювмай туриб мўлжалдаги ҳосилни олиш амри-маҳол. Ҳозиргача 300 гектарга яқин майдонда далаларни сувга бостириш билан боғлиқ амалиёт бажарилган. Йил охирига қадар эса 586 гектар экин майдони шўр ювишга тахт бўлади.

Шаҳрихон туманидаги «Пахтали кўл» фермер хўжалиги раҳбари Илҳомжон Бозорбоев ҳам экинни экин қиладиган ҳар бир тadbирни бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб боришга интилади. Бу борада унга отаси — тажрибали агроном Баходир Бозорбоев маспахатчи, кези-

ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

келганда эса кўмак бериб боради. Хўжалик ташкил-этилганига 11 йил бўлди. Шу вақт мобайнида атиги бир марта пахта ҳосилдорлиги 39 центнер бўлган. Қолган 10 йилда эса ушбу кўрсаткич 40 центнердан ошиб бўлганлиги боис хўжаликнинг моддий-техник имкониятлари кенгайган. Бу хўжаликда ҳам 2018 йил ҳосилига тайёргарлик аллақачон бошланган ва олинган пушталарига сув беришга ҳозирлик бор.

Сўнгги вақтда ҳайдалган далаларга ҳеч қандай тайёргарликсиз сув очиш ҳам тажрибадан ўтказилмоқда. Бу туманидаги Навоий номили массив фермерлари бошлаган мазкур тажриба самаралари кўринди. Яъни шўри ювилмаган ёхуд яқоб суви берилмаган хўжаликларга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 4-5 центнерданга ижобий фарқланди. Бу натижадан хабардор фермерлар ушбу тажрибани ўз далаларида ҳам қўллашга қўшилишмоқда.

— Ҳосил қўчатдан чиқади, — дейди вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдувоид Маждидов. — Ердан ернинг фарқини кўра оладиган фермер, албатта, даласига эътиборсиз бўлмайди. Зовур ва коллаторларни тизимли равишда тозалаш дастури доирасида қўллаб лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. «Кўзи» очилган зовурларнинг ер ости сувларини яхши тортаётганлиги айрим фермерларни хотиржамликка ундаётди. Шу қунларда ишчи гуруҳлари жойларда бўлишиб, сусткашликлари бартараф этишда иштирок этишмоқда.

Қобилжон АСКАРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм вилояти

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — БОШ МАҚСАДИМИЗ шовотлик шифокорлар шу тамойил асосида фаолият олиб боришмоқда

Соғлиқни сақлаш борасида улкан ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани самарасида соҳада салмоқли ўсиш ва янгиланишлар кўзга ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг ўзида тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан уч бор видеоселектор йиғилиши ўтказгани ҳам соҳага қаратилаётган эътибордан далоятдир.

2017 йил 12 декабрь кuni Президентимиз Шавкат Мирзиёев расмийда бўлиб ўтган видеоселекторда биринчи галда халқимизни тиббий хизматдан рози қилиш вазифаси қайта таъкидланди. Эътироф этиш керакки, қисқа вақт давомида вилоятларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самараси сезиларли равишда ошди. Оилавий поликлиникалар фаолияти такомиллаштирилди. Марказлардан олис ҳудудларга тажрибали мутахассисларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Буларнинг барчаси тиббиётда замонавий, жаҳон талаблари даражасидаги қулайликлар яратилишига ва, энг аввало, инсон соғлигини муҳофаза қилишга мустақкам замин яратмоқда.

Бу борада Шовот туманида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада, та-

комиллаштириш лойиҳаси доирасида 8 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 1 та қишлоқ врачлик пункти фаолияти йўлга қўйилди. Тумандаги барча ҚВПлар инвентаризациядан ўтказилди.

Қишлоқ врачлик пунктларининг бўш қолган бинолари негизда ёш мутахассислар учун яшаш жойи ва тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил қилинди.

Қишлоқ оилавий поликлиникаларида терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, стоматолог ва УЗИ шифокорлари аҳолига малакали

тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Шунингдек, соҳада қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб тез тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси балансига ўтказилиб, уларга техник ва сервис хизмат кўрсатиш даражаси тубдан яхшиланди.

Туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 29 декабрдаги «Аҳолининг патронаж ва профилактик кўриқларини ташкиллаштириш бўйича» йўриқномасига асосан тумандаги хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, патронажга эҳтиёжи бор бўлган беморларни аниқлаш мақсадида хатлов ўтказилди. Хатлов натижасида турган беморлар базаси шакллантирилди. Жумладан, 2272 нафар ёлғиз қария, ногирон ва ўзгалар парваришига муҳтож шахслар аниқланиб, ойда бир марта патронаж хизматлари кўрсатилиши белгилаб қўйилди.

Бугунжаҳон билимининг Халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш лойиҳаси доирасида жорий йилда туман тиббиёт бирлашмасининг травматология бўлимига тиббий асбоб-анжомлар олинди. Диагностика бўлимига «Саломатлик-3» лойиҳаси бўйича компютер-анализатор ўрнатилди, бу аппаратда 16 турдаги тахлиллар бажарилади. Қисқача айтганда, туман тиббиёт бирлашмаси бўлимида беморларга малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган, аҳоли эса, албатта, бундан мамнун. Болтабой МАТҚУРБОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



Навоий вилояти

КЛАСТЕР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Toshrobot textile» маҳсулотлари унинг дастлабки «меvasи»дир

2017 йилнинг март ойида Президентимизнинг вилоятга қилган ташрифлари доирасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан бирга, вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотлар стратегиясини изчил амалга ошириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини янада тараққий топтириш, уларнинг моддий-техника таъминотини тубдан яхшилашга доир тақлиф ва тавсиялар берилиб, ҳудудда синов тариқасида илк бор «кластер» усулини қўллаган ҳолда хомашедан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларнинг қамраб олиниши назарда тутилганди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 мартдаги «Навоий вилояти Қизилтепа туманида тажриба тариқасида пахта хомашесини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор фермер хўжалиқлари билан қайта ишловчи корхоналарнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш, пахта хомашесини чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш имконини берди. Пировадидда қишлоқ жойларда енгил саноат соҳасини янада ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига қўшимча қиймат яратиш, тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш каби мақсадларни рўёбга чиқаришга кенг йўл очилмоқда. Қисқа муддатда фойдаланишга топширилган замонавий «Toshrobot textile» маъсулияти чекланган жамияти ҳам фикримизнинг яққол далили сифатида қизилтепеликлар учун Янги йилга муносиб туҳфа бўлди.

— Хориждан 10 миллиард сўм маблағ эвазига келтирилган замонавий тикув машиналари жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратмоқда, — дейди корхона раҳбари Уллубек Файзиев. — Корхонамизнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 6 миллион дона тайёр маҳсулот бўлиб, бу 6,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Фабрикада болалар ва катталар учун барча ўлчамдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 85-90 фоизи экспортга йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбарининг тadbиркорликка қаратаётган алоҳида эътибори натижасида «Миллий банк»нинг молиявий кўмагида ажратилган 14 миллиард сўмлик маблағ Қизилтепа туманида енгил саноат соҳасини ривожлантиришда янги саҳифа очилиш баробарида, тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишда муҳим омили бўлди.

Фабриканинг ишга туширилиши билан қарийб 500 та янги иш ўрни яратилгани, 2-босқич ишга тушиши муносабати билан яна 500 та иш ўрни яратилиши тумандаги ишсизлик муаммоларини ижобий ҳал этишда, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутди. Уч навбатда фаолият олиб борадиган корхонада ишчи-ҳодимлар учун барча шароитлар муҳайё этилган.

— Қишлоғимизда шундай катта корхона иш бошлагани, айниқса, биз, ёшларни жуда қувонтириб юборди, — дейди корхона ишчиси Диллобар Раҳимова. — Коллежни битириб, шу корхонага ишга кирдим. Бу ерда биз учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мазкур ҳудудда ташкил этилган «Нуронийлар маскани» эса кекса авлод вакилларига ҳақиқий гамхўрлик ифодаси бўлди. Ушбу масканда нуронийлар учун барча қулайликлар мавжуд.

Бунёдкорлик, ободонлик барқарор жойда, албатта, юксалиш ҳам бардавом бўлади. Вилоятнинг барча ҳудудларида қўллаб ижтимоий-иқтисодий хизмат кўрсатиш объектларининг фойдаланишга топширилаётгани навоийликлар қувончига қувонч қўшмоқда.

Отабек АСЛОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Фаргона вилояти

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ АРМИЯ — МАРДЛИК, МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Президентимиз томонидан 2017 йилнинг 7 декабрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кuni байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ, вилоят бўйлаб «Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир» шiori остида тadbирлар ўтказилаётди.

Ана шундай тadbирлардан бири Фаргона шаҳрида Шарқий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлар, Мудофаа ва Ички ишлар бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, олий ва ўрта-маҳсус, умумтаълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор Қуролли Кучларимиз фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш, ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик, юртга садоқат ва миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсад-

ларга қаратилди. Тadbир доирасида турли ҳарбий қисмлар, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув-спорт техника клубларининг техник воситалари намойиши, замонавий ҳарбий техника, қурол-аслаҳа ҳамда қўтқарув-қидирув хизматининг моддий таъминот базаси кўргазмалари намойиш этилди.

— Шу вақтгача ҳарбий техника ва қуролларнинг фақат телевизорда ёки киноларда кўраб эдик, — дейди Фаргона политехника институти талабаси Ш.Раҳмоналиев.



— Бугун эса ҳарбий қурол-яроғларни ушлаб кўриш имкониятига эга бўлдик. Мазкур тadbир кайфиятимизни янада кўтарди, миллий армиямиз ҳақидаги тасавурларимизни кенгайтирди. Шунингдек, ҳарбий оркестр ва бадий ҳаваскор-

лик гуруҳларининг концерт дастури, ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги усуллари, аскарларнинг тантанали саф кўриқлари ёшларда фахр-ифтихор уйғотди. Тadbирда вилоят ҳокими Ш.Ғаниев иштирок этди. Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

ҚУТЛОВ

Large advertisement for the New Year celebration. It features a festive background with pine branches and ornaments. The text reads: 'Қадрли юртдошлар! Сиз — азизларни Янги йил байрами билан муборақбод этаётганимиздан гоаят бахтиёрмиз. 2018 йил ҳар бирингиз учун қувончли воқеалар, шоду хуррамликлар йили бўлсин! Хонадонларингиздан файзу сочинлик аримасин!' Below this, it says: '«Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими жамоаси'. At the bottom, it mentions 'Отабек АСЛОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.'

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги  
“Ўздавдонинспекция”  
томонидан аҳоли  
билан кенг мулоқотлар  
ўрнатилган мақсадида  
тизимли ишлар олиб  
борилаётир.

### МУЛОҚОТЛАР ЭЛ РИЗКИНИ АСРАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2016 йил 23 декабрда  
Давлат дон инспекцияси  
бошлигининг расмий виртуал  
қабулхонаси (vq.uzddi.uz)  
ташқил этилди. У орқали  
жисмоний ва юридик шахслар  
мурожаатларини кўриб чиқиш  
регламенти тасдиқланди. Жорий  
йилнинг ўтган даврида  
“Ўздавдонинспекция”га жами  
38 та, шундан 5 таси Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг  
виртуал қабулхонасидан,  
13 та Ягона портал орқали,  
1 та инспекция расмий электрон  
почтаси орқали, 18 та  
ёзма ва 1 та инспекция бошлигининг  
виртуал қабулхонаси орқали  
мурожаатлар қабул қилиниб,  
кўтарилган масалалар юзасидан  
тегишли жавоб хатлари ҳамда  
амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўтган даврда бир неча  
маротаба очик эшиклар кунини  
ўтказилди. Уларда Президентимиз  
раҳнамолигида мамлакатимизда  
амалга оширилган ишларнинг  
сўхрани тараққий этиши имконини  
бераётгани таъкидланди. Иштирокчилар  
ўзларини қизиқтирган барча саволларга  
мутахассислардан жавоб олишди.

Сирасини айтганда, сифатли дон – сифатли нон.  
Жамоанинг мақсади юрtdошларимизнинг фаровон  
ҳаётига хисса қўиш, галлакорларнинг, қайта ишлаш  
корхоналарининг фаолиятини мустаҳкамлашга кўмаклашишдир.  
Бунда мулоқотларнинг аҳамияти каттадир.  
Дилдора РУСТАМОВА

### КўТЛОВ

# «ЎЗПАХТАЁФ»

## акциядорлик жамияти жамоаси

барча юрtdошларимизни олам-олам қувончу шодликлар билан кириб келган 2018 йил билан чин қалбдан муборакбод этади. Янги-янги марралар сари руҳлантираётган айни шу гўзал лаҳзалардаги кўтаринки кайфият барчангизга доимо ҳамроҳ бўлсин!

Ҳамжиҳатликда ўз олдимизга қўйган улуғвор мақсадлар йўлидан собитқадамлик билан дадил одимлайверайлик!

Илоҳим, ҳамиша юртимиз тинч, халқимиз омон, толемиз баланд бўлсин!

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

### Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

# «ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ САРА ЙИГИРМА АСАРИ»

мавзусида бадий асарларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш буйича танлов – ижтимоий лойиҳасини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда китоб махсусотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг сара намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари бу борадаги ишлар кўламинини янада кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги дунё тафаккури, маданияти, маънавияти ва маърифатининг юксалишига катта хисса қўшган буюк аждодларимиз ва замондош адиблар асарларини янада кенг тарғиб этиш, ўзбек миллий адабиёти воситасида мамлакатимизнинг жаҳон майдонидида нуфузини янада юксалтириш мақсадида «ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЭНГ САРА ЙИГИРМА АСАРИ» мавзусида бадий асарларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш буйича танлов – ижтимоий лойиҳасини эълон қилади.

Танлов шартлари:

- иштирокчи таржимоннинг резюмеси (тўлиқ чоп этилган таржималарининг рўйхати, телефон рақами, 4х6 ҳажмдаги намунали фото сурати) топширилиши;
- муқаддам инглиз тилига ўгирилиб чоп этилган таржима асарларининг ҳар биридан 5-10 варақ атрофида нусха тақдим этилиши;
- агар таржимоннинг инглиз тилига бадий таржимаси нашр этилмаган бўлса, у ҳолда ўзбек тилидаги бадий асардан ихтиёрли равишда 5-10 саҳифа инглиз тилига ўгириб жўнатиши шарт.

Танлов 2018 йилнинг март ойига қадар давом этади. Зарур ҳужжатлар 2018 йилнинг 25 февралига қадар info@ari.uz электрон манзили орқали қабул қилинади.

Мазкур танловда иштирокчиларнинг ёши чегараланмаган. Унда профессионал таржимонлар билан бирга ҳорижий тиллар филологияси ихтисослиги буйича тахсил олаётган ёш истеъдод соҳиблари ҳам иштирок этиши мумкин.

Танловнинг якуний натижаси:

Танловнинг якуний натижаларига кўра, «Ўзбек адабиётининг энг сара йигирма асари» танлови ғолиблари билан Агентлик тизимидида нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан белгиланган тартибда шартномалар имзоланади ва таржимонлар томонидан ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилган асарлар учун қалам ҳақи тўлаиши кафолатланади. Шунингдек, ғолиб таржимонлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қошида ташқил этиладиган «Book sul» халқаро таржимонлар ноширлик маркази аъзолигига қабул қилинади. Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари ҳамда www.ari.uz сайтида ёритилади.

ЎзА

### ОДАМЛАРНИНГ «КАПАЛАГИНИ УЧИРМАНГ!»

Одатда «пақилдоқлар»га болажонлар қизиқади. Уларнинг бу қизиқишини қўллаб-қувватлаган ота-оналар унинг нохуш оқибатлари билан ҳам қизиқсалар эди...

Афсусларли томони шундаки, пиротехника воситаларига кетаётган пуллар том маънода ҳавога учеди. Учганда ҳам тинчгина эмас, кимнидир қуйдириб, кимнидир майиб-мажруҳ қилиб,

лиги ходимлари ҳам турли ташкилотлар, таълим муассасаларида, маҳаллаларда ўтказётган учрашуларда айни шу мавзуда тушунтириш ва тарғибот тадбирларини оғиб боришмоқда.

Ф. ХУСАНОВ,  
пойтахтимиздаги ёнги хавфсизлиги хизмати ходими, капитан.

### ЭЪЛОН

## Agro Biznes Inform



### ЭЪЛОН

Илмий муассаса, олим, ихтирочи, тадқиқотчи ва компаниялар диққатига:  
«Agro Biznes Inform» журнали тахририяти журналининг 2018 йилги сонлари саҳифаларида аграр соҳага оид инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги таҳлилий мақолаларни қалам ҳақи тўлаш асосида ҳамда таклиф, хизмат ва рекламаларни келишилган арзон нархларда жойлаштириш мумкинлигини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: 275-34-44, 274-34-44.

E-mail: agrouz@inbox.ru, agrobiznesuz2@mail.ru

## ТРАКТОРВОР.UZ

### «МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ

Аммо чоршанба – профилатика кунларида ўтказилган текширувларда аниқланган баъзи камчиликларга панжа ортидан қараб келатган «масъуллар» ҳам йўқ эмас. Хусусан, туманимиздаги 476-мактабга таълим муассасасида олдинги текширув давомидида аниқланган камчиликларга нисбатан масъул ходимлар томонидан безътиборлик билан қараб келингани маълум бўлди. Шу сабаб уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ўйлаймики, олиб борилаётган тадбирлар натижасида эҳтиёткорлик ошади.

Э.АҲМАДОВ,  
Олмасор тумани ЕХБ бошлиғи ўринбосари, сержант.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.  
Хизматлар лицензияланган.

## QISHLOQ HAYOTI

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
Аграротан комплекс  
тарихидаги ҳамда шу тармоқда  
дахлдор вазирлик ва идоралар.

### Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳриддин ЗАРИПОВ,  
Шухрат ТИШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодибёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,  
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,  
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04,  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

### Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоқiston Республикаси – (+99890) 592-62-04

Андижон	– (+99893) 630-73-03;
Бухоро	– (+99891) 401-29-59;
Жиззах	– (+99893) 940-10-78;
Навоий	– (+99891) 332-50-99;
Наманган	– (+99893) 948-53-86;
Фарғона	– (+99890) 407-76-03;
Самарқанд	– (+99893) 994-57-08;
Сирдарё	– (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	– (+99890) 644-44-11;
Тошкент	– (+99890) 976-39-58;
Хоразм	– (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	– (+99891) 635-08-03.

### Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда  
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-113, ҳажми 2 босма табоқ,  
Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-й.  
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва  
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21130 нусхада чоп этилди.  
НАШР ИНДЕКСИ – 144  
Босишга топширилган вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 22.55

### ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
Р.СУЯРОВ  
Мусаҳҳих:  
Д.КОМИЛЖОНОВА